



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН 22 август 1971 йил, якшанба № 193 (15.063). Баҳоси 2 тўйин.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
КОМИ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА
КОМИ АВТОНОМ СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК
РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИГА
КОМИ АССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА**

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва ССР Министрлар Совети республиканинг ишчилари, ишловчилари, зиёлилари, барча меҳнатнашларини шонли сана—Коми Автоном Совет Социалистик Республикаси ташкил топган кунининг эллик йиллиги билан қизгин табриклайдирлар.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси кўп миллатли Ватанимиздаги барча халқлар каби Коми халқини ҳам социал ва миллий зулмдан озод қилди, Коми халқини ҳаётини социалистик негизда қайта қуриш учун курашга отлантирди ва илҳомлантирди. Коми халқи ўзининг миллий давлатига эга бўлди, ўз тақдирининг чинакам ҳужайини бўлиб қолди. Коми АССР меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида катта ва шонли тарихий йўлни босиб ўтидилар. Улар граждон уруши ва чет эл интервенцияси йилларида революция галабаларини фидокорона ҳимоя қилдилар, Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун актив кураш олиб бордилар, Улуғ Ватан урушининг оғир йилларида юксак ватанпарварлик, мардлик ва наҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар, социализм қурилишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Совет ҳокимияти йилларида Коми халқи ўлкаси рус халқи ва Совет Иттифоқидаги бошқа халқларнинг бегарас қардошларча ёрдами туфайли чор Россиясининг қолоқ чекиа ўлкасидан барқ уриб ривожланиётган ва йирик саноат ишлаб чиқариши ҳамда механизациялаштирилган қишлоқ хўжалигига эга бўлган социалистик республикага айланди. Республикада энергетика, кўмир, нефть, газ, целлюлоза-қоғоз саноати ва саноатнинг қолган тармоқлари янгидан вужудга келтирилди. Колхоз ва совхозлар гўшт, сут, картошка, сабзавот етиштириб, давлатга сотишни йил сайин кўпайтирмоқдалар. Меҳнатнашларнинг моддий фаровонлиги тўхтовсиз юксалиб бормоқда, халқ маорифи, фан, адабиёт ва санъат муваффақиятли суратда ривожланимоқда.

Коми АССР экономикаси ва маданиятининг равақ топиши ленинча миллий сиёсат, совет ижтимоий тузуми, Улуғ, Ватанимиз халқларининг дўстлиги тантана қилганлигини исбот этувчи ёртин далайдир.

Республика меҳнатнашлари КПСС XXIV съездининг қарорларини бажара бориб, ижтимоий ишлаб чиқаришининг самардорлигини ошириш, экономикани жадал суръатлар билан ривожлантириш учун, беш йиллик биринчи йили топириқларини муддатидан илгари бажариш учун актив кураш олиб бормоқдалар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми ва ССР Министрлар Совети Коми АССР меҳнатнашларини республиканинг Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланганлиги туфайли самимий табриклайдилар ва республика ишчилари, ишловчилари ҳамда зиёлилари партия ташкилоти раҳбарлигида коммунистик қурилишда янгидан-янги катта галабаларга эришадилар, деб астойдил ишондилар.

Яшасин Коми Автоном Совет Социалистик Республикаси!

Яшасин бизнинг Улуғ Ватанимиз—Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи!

Яшасин барча галабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

М. Т. УРОЗБОВ ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент политехника институтининг собиқ ректори, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, ССР Давлат мукофоти лауреати ва Берулий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари доктори, профессор Муҳаммад Тошевчи Урозбоевнинг катта хизматларини ётиборга олиб, унинг хотирасини абадийлаштириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарор қилдилар:

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг механика ва сейсмик иншоотлар институти;

Қўқон шаҳридаги коммунал техникум;

Тошкент шаҳридаги кўчаларнинг бири М. Т. Урозбоев номига қўйилсин.

М. Т. Урозбоев қабрига марҳумнинг бюсти ўрнатилсин.

ЕМ-ХАШАК ТАЙЁРЛАШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



Самарқанд область Булунгур районидagi «Октябрь» колхозининг чорвадорлари мўл-кўл ем-хашак жамғариш учун барча иммониятларини ишга солиб, яхши кўрсаткичларни кўлга киритмоқдалар. Бу ерда анчагина озуқа жамғариб қўйилди. Колхозда ҳозир беда унчици марта ўрилмоқда. Суратда: ўрилган бедалар пешма-пеш гарам қилинаётди. Н. Минкин фотоси. (ЎзТАД).

ҚИШЛОВНИ ЎЙЛАБ

Езда тараддул кўрган чорвадор қишда қийналимайди. Қитоб районидagi Карл Маркс номи колхоз чорвадорлари хар йили шунга амак қиладилар. Чорва озуқасини йил сайин мустаҳкамлаб келаятган колхоз чорвадорлари қувончли натижаларга эришмоқдалар. Улар чорва маҳсулотлари тайёрлаш ярим йиллик планларини ошириб бажаришди.

Колхоз чорвадорлари бу гала, баларнинг гарови мўл-кўл озуқа базаси эканлигини яхши биладилар. Шунинг учун қишлоқда янада мўл озуқа жамғариш учун курашмоқдалар. 250 гектар майдондаги беда уч марта ўриб олинди. Яна икки марта ўрилади. 90 гектар майдондаги манжаўхор ҳам мўл

бўлди. Шу кунларда манжаўхор хори ўрилиб, пешма-пеш силос бостирилмоқда. Ем-хашак жамғариш кампанисида иккита ном, байк: 7 та юк ташуш транспорти ва 20 колхозчи актив катнашмоқда. Улар кучи билан 2113 тонна силос, 1259 тонна нўн беда, 317 тонна сомон, 117 тонна сенам, 103 тонна антоқ гарам бостирилади ва тўпланди.

Э. ҚУЛМУРОВО,
Қашқадарь области.

БИР ЯРИМ ЙИЛЛИК ОЗУҚА

Колхоз ва совхозлар биринчи галда чорвачиликни юксалтиришнинг негизи бўлиш озуқа база, сини мустаҳкамлашлари керак, дейилади партия XXIV съездининг қарорларида. Дарҳақиқат, мустаҳкам озуқа базасини яратмасдан

Пахта далаларининг барча меҳнаткашлари, пахта тайёрлаш пунктлари, пахта тозалаш саноати, пахта машинасозлиги корхоналари, транспорт ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифат бўйича давлат инспекциялари ходимларига МУРОЖААТ

Қадри ўртоқлар!
КПСС XXIV съезди совет халқи фаровонлигини оширишнинг тўққизинчи беш йилликнинг асосий вазифаси, партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади деб эълон қилди.

Бу улуғвор ва олжанов программани муваффақиятли бажариш бутун ижтимоий социалистик ишлаб чиқариш юксалтиришга, илмий-техника тараққиётига, совет экономикасининг барча соҳаларида ва айниқса халқ истеъмолчи товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларда меҳнат унумдорлигини муттасил ошириб боришга боғлиқ.

Бунда ССР халқ хўжалиги учун энг қимматли хомаш бўлган пахта етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун кураш муҳим ўринни эгаллайди. КПСС XXIV съездининг Совет Иттифоқи халқ хўжалигини ривожлантириш беш йиллик плани юзасидан Директиваларида пахта маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор берилган. Бу курашнинг натижаси қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари кўп миллионли армиясининг илгор отрядларидан бири бўлган совет пахтакорлари, тайёрлаш органларининг ходимлари, пахта тозалаш заводлари, пахта ҳосилини қуришти, тозалаш ва уни дастлабки ишлаш учун асбоб ускуна ва техника ишлаб чиқарадиган машинасозлик корхоналари ходимларининг биргаликдаги куч-гайратларига боғлиқдир.

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган пахтакор иттифоқчи республикалар меҳнаткашлари 1971 йилда ва янги беш йилликнинг шундан кейинги йилларида белгиланган харид қилиш планларидан ташқари пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олган мажбуриятларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар.

Сув танис бўлган бу йилги шароитда пахтакорлар деҳқончилик маданиятини ошириш, илгор агротехника ютуқларини ва ишлаб чиқариш новаторлари тажрибасини, гўзаларга ишлов беришнинг прогрессиве технологиясини жорий этиш асосида яхши ҳосил етиштиридилар.

Энди пахта йиғим-теримига тайёргарлик ишларини муимин қадар тезроқ тўғаллаш, йиғим-теримни уюшқоқлик билан ва нобудгарликка қўл қўймадан ўтказиш, пахта ҳосилини давлатга ўз вақтида топширишни таъминлаш, пахта ҳосилини тўла сақлаб қолиш ва уни ўз вақтида қайта ишлаш ҳамда халқ истеъмолчи товарлари чиқариш учун халқ хўжалигига юқори сифатли хом ашё етказиб бериш айниқса муҳимдир. Совет пахтакорлари, тайёрлаш органлари ва пахта ҳосилини харид қилиш ва қайта ишлаш бўлиги боғлиқ бўлган саноат тармоқларининг ходимлари Ватан олдидаги энг муҳим вазифалари, юксак ватанпарварлик бурчларини ана шунда қурайдилар.

Ҳозирги вақтида бунданкек, қишлоқ хўжалигига ҳам замонавий қудратли ишлаб чиқариш-техника базаси барпо этилган. Ундан фақат тўғри ва самарали фойдаланиш лозим. Ҳосилини йиғиб-териб олишда ва юқори сифатли пахта олишда пахтакорларнинг, айниқса пахта териш машиналари механик-ҳайдовчиларининг меҳнати ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бизнинг шунга ишончимиз комилки, улар ўзларининг бутун кучларини, тажрибаларини маҳоратларини ишга соладилар ва давлат тайёрлов пунктларига юқори сифатли пахта ҳосили топширадилар. Айниқса уруғлик пахтани териш ва сортларга ажратишга алоҳида эътибор бермоқ керак. Бўлгуси яхши ҳосилнинг гарови ана шунда. Пахта жу-да қисқа мудат ичда таъмилга териб олиниши ва давлатга фақат энг сифатли қилиб топширилиши лозим.

Бу беш йилликда пахта сифати масалалари катта аҳамиятга эга эканлигига ва уларни ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалиги, тайёрлов органлари ва пахта тозалаш саноати ходимлари биргаликда куч-гайрат сарфлашлари кераклигига эътиборни жалб этмоқчимиз.

Бунда кўп нарсе қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва сифат бўйича Давлат инспекциялари ходимларининг фаолиятига боғлиқдир. Улар маҳаллий партия ва Совет органларининг ёрдамига таянган хол-

да, контрактация шартномалари бўйича ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчиларнинг ўзаро мажбуриятларини албатта бажаришларини таъминлашлари, пахта ҳосилини тайёрлаш пунктларига топшириватганда ва қабул қилаётганда қаттиқ давлат иттизомларини ўрнатишлари керак. Пахта тозалаш саноати ходимлари қолган қисқа мудат ичда пахта тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларини, омонб биноларини ва майдончаларини капитал ремонт қилишни, ускуналарни, механизмларни, транспорт воситалари ремонтини тўғаллашлари пахта тайёрлаш пунктлари, заводлари ва цехларини янги техника билан жиҳозлашлари лозим.

Пахта тайёрлаш пунктлари ва пахта заводларининг юқори унум билан ишлаши, юқори сифатли маҳсулот чиқариш кўп жиҳатдан пахта тозалаш машинасозлиги заводлари ходимларига боғлиқдир. Улар зарур техникани ўз вақтида етказиб беришлари, пахта тозалаш саноатини эҳтиёт қисмлар билан тўла таъминлашлари, чиқарилаётган технология ускуналар сифатини яхшилашлари керак.

Давлат бу беш йилликда пахта тозалаш саноатини янада ривожлантиришга, уни техника жиҳатидан қайта қурулантиришга ва ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга катта капитал маблағлар ажратмоқда. Бу маблағлар оқилона ва самарали фойдаланилмоғи лозим.

Биз илмий тадқиқот, конструкторлик ва лойиҳалаш ташкилотларига мурожаат қилиб, уларни янги юқори унумли техникани, технология ускуналарини, механизмларини, приборларини, янада тақомиллашган технология жараёнларини ишлаб чиқишга, янги заводлар цехлар ва айрим иншоотлар қурилишига рационал ва тежамли лойиҳаларини ишлаб чиқишга, янги техника ва технология янги жорий этишда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишчи яхшилашда пахта тозалаш саноати корхоналарига қудалик ёрдам беришга чақирамиз.

Биз қурилиш ташкилотлари ходимларига мурожаат қилиб, янги пахта заводлари, тайёрлаш пунктлари ва қуришти-тозалаш цехларини ўз вақтида ишга туширишни таъминлашга, уларни сифатли, тез ва арзон қуришга даъват этамиз.

Пахта ҳосили ва пахта маҳсулоти чиқариш ҳажми тобора ўсиб бораётганлиги туфайли транспортнинг вазифаси охиб бормоқда. Биз шунга қаттиқ ишонимизки, автомобиль ва темирйўл транспорти ходимлари бундан бўён ҳам пахта ҳосилини, толсан ва уруғини ўз вақтида ташишни таъминлайдилар, уларни ортинш ва туширишда халқ хўжалиги учун жу-да қимматли бўлган бу маҳсулотларнинг нобуд бўлишига йўл қўймайдилар.

Енгил саноат пахта тайёрлаш корхоналари, тайёрлаш министрлиги системасининг Давлат инспекциялари ходимлари яқиндан алоқада бўлиб, биргаликда куч-гайрат сарфлаб, пахта етиштиришни кўпайтиришда, давлатга сотиладиган пахтанинг сифатини яхшилашда, колхозлар ва совхозларга ҳар томонлама ёрдам беришлари керак.

Қадри ўртоқлар! Бу тадбирларнинг амалга оширилиши халқ хўжалигини юқори сифатли пахта маҳсулоти билан таъминлаш, енгил саноатни жадал ривожлантириш, халқ истеъмолчи товарларини янада кўпайтириш, тўққизинчи беш йилликнинг энг муҳим вазифаси—совет халқи моддий фаровонлигини ошириш вазифаси—ни ҳал қилиш имконини беради.

Кенгаш қатнашчилари барча колхозчилар, совхоз ишчилари, тайёрлов органлари пахта тозалаш саноати, пахта машинасозлиги ва транспорт ходимларига мурожаат қилиб, уларни ўзларининг бутун куч-гайратлари, билдилари, тажрибаларини ишга солиб ва фидокорона меҳнат қилиб пахта етиштиришни анча кўпайтиришга, ҳосилнинг тўла сақлаб қолинишига, ўз вақтида қайта ишланганига эришишга, халқ хўжалигини юқори сифатли пахта маҳсулоти билан таъминлашга ва бу билан социалистик Ватанимиз иқтисодий қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳиссе қўнишга чақиради.

БУ МУРОЖААТ ЕНГИЛ САНОАТ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ СИСТЕМАСИ, ЕНГИЛ САНОАТ ВА ОЗИҚ ОВҚАТ САНОАТИ МАШИНАСОЗЛИГИ КОРХОНАЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШ ВАСИОАТ БУЙИЧА РАЙОН ВА ОБЛАСТ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ БУТУНГИТТИФОҚ КЕНГАШ-СЕМИНАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН.

20 август 1971 йил, Тошкент шаҳри.

ДЕФОЛИАЦИЯ БОШЛАНДИ

ТЕРМИЗ. [«Совет Ўзбекистонини мухбирдан». Сурхондарё областининг Шеробод районидagi Ленин номи, Охунбоев номи ва «Истара» совхозларида республикада биринчи бўлиб гўзаларни дефоляция қилиш бошлади. Ленин номи совхоз коча 150 гектар ердаги гўзани дефоляция қилди. «Истара» совхозини 1-бўлимдаги Я. Раazzoқов, А. Бойтўраев ва Ж. Рустамов ўртоқлар бошлик бригадаларининг даладардаги гўзалар дефо-

ляциядан чиқарилди. Мазкур хўжаликларда дефоляция уч даврга бўлиб ўтказилайти. Дастлаб дефоляция ўтказилган майдонларда 27-28 август кунлари машина терими бошланди. Ҳозир областнинг қўлгина кўзаликларини ҳам 10 сентябрга қадар барча майдонлардаги гўзаларни тўла дефоляциядан чинайиб ўз вақтида йиғим-теримни бошлаб юбориш учун барча тадбирларни ишга солимоқдалар.

А. ХАЛИЛОВ.

МЕХАНИЗАТОРЛАР КЕНГАШИ

БУХОРО («Совет Ўзбекистонини мухбири»). Бу ерда область меҳаник-ҳайдовчиларининг кенгаши бўлди. Кенгашда область партия комитетининг секретари ўртоқ Д. Едгоров тўққизинчи беш йилликнинг биринчи йили ҳосилини йиғиб-териб олишда область меҳанизаторлари ол-

дида турган вазифалар тўғрисида докла қилди.

Музонарада сўзлаганлар пахта теримини механизациялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. Муртазов нутқ сўзлади.

Т. НАЗИРОВ.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ АРАФАСИДА

Енгил саноат пахта тайёрлаш системаси, енгил ва озиқ-овқат саноати учун машинасозлик ҳамда рўзгор приборлари министрлиги корхоналари, республикалардаги тайёрлаш министрлиги район ва область давлат инспекциялари ходимларининг Тошкентда Ўган Бутуниттифоқ кенгаш-семинари ўз ишнини тамомлади. Бу кенгаш-семинарда пахта коритифоқда республикаларнинг — Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожкистон ва Туркман-

ларидан бири шунки, ҳар бир хўжалик контрактация шартномасида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришлари керак. 1970 йил ҳосилдорлик жиҳатидан қудай келганлигига қарамай, бўвзи хўжаликлар пахтани харид қилиш планини ва контрактация шартномаларини бажарилай қолдилар. Энди буларни йаллагилек мана шундай аниқларни қамчиликларга йўл қўймадилар керак.

Пахтакорларнинг муваффақиятлари жу-да катта. Улар давлатга йилдан-йилга кўпроқ пахта бермоқдалар. 1971—1975 йилларда мўлжалланган ҳаққ хўжалигини ривожлантириш планини қўрсатиб этилган ва КПСС XXIV съезди маъқуллаган тадбирлар фақат пахтачиларнинг эмас, шун билан бири бошқа қишлоқ хўжалик тармоқларини ҳам янада ўстириш ва ривожлантиришни таъминловчи гарантандир. Бунинг учун бутун шарт-шароит бор. Суғориладиган янги майдонларни ўзлаш-

тириш, пахтачиларнинг боғдорчиликни, сабзавотчиликни, узумчиликни, чорвачиликни ривожлантириш учун керакли минерал ўғитлар, тракторлар, юк автомобиллари, пахта териш машиналари ва бошқа механизмлар ҳар йили етказиб берилаётганлиги хўжаликларнинг иқтисодий ва техниканвий имкониятларини тагин ҳам кўпроқ кўчайтирди.

1971-1975 йилги халқ хўжалик планини дахт етиштириш ва тайёрлашни беш йилликнинг охирида 7—7,2 миллион тоннага етказиш қўзда тутилди. Партия Директиваларида пахта етиштиришни ва тайёрлашни бунчалачи кўпайтиришга асосан ҳосилдорликни янада ошириш бўли билан ёришиш кераклиги қўрсатиб ўтилди. Шу билан бир қаторда деуит ерларда янги катта-катта массивларни сурғориш бўли билан экан майдонларини анча кенгайтириш мўлжаллаб қўйилди. Деҳқончилик-

нинг илмий жиҳатдан асосланган системасини, тўғри алашлар билан ишлар ичда пахтачиланида жорий қилишга ҳамда янги техника, ишлов тола берадиган юқори сифатли ва сермахсул пахта навларини оқини янада кўпайтиришга эришишдан иборат катта масъулиятли вазифа ҳам қўйилди.

Янги беш йилликда пахта тозалаш саноати пахтани қабул қилиш, асраш, тайёрлаш пунктларини механизациялаш ишларини тўбдан яхшилаш ва пахта тайёрланаётган районларнинг ўзнда уни дастлабки қайта ишлашни таъминлаш, республикадан республикага ва областдан областга пахтага беҳудда ва қимматта ташиб бориш сингари камчиликларни бутунлай йўқотиш лозим. Шу туфайли давлатнинг катта маблағ тежаллади.

(Давоми иккинчи бетда).

* ДЕХҚОН ШОИР НАЗМИДА

* ТАБИАТ МАДҲИ * ХАЛҚ-ИЖОДКОР

* САНЪАТ ХАЛҚНИКИ * КОРХОНА ПЕШҚАДАМИ

* ҲИКМАТЛАР-ДУРДОНЛАР

Я Н Г И Ш Е Ъ Р Л А Р

Суюнчи

Ҳамид ҒУЛОМ.

Раис бобо, ташлангиз назар,
Мана, уша биз кутган гаҳлар,
Кўз нурдай майин, жилвагар
Маноқ тўла оқ олтин, кўринг;
Раис бобо, суюнчи беринг!

Шу биринчи чаноқ оминдир,
Сиз ҳам энди ваъдада туринг,
Раис бобо, суюнчи беринг!
Ахир, кўзгу шу битта чаноқ,
У далада ёқилган чароқ,
Завқинг тошар уни кўриб,
Қоматингн тиллар гуруринг;
Раис бобо, суюнчи беринг!

Фаровонлик

Юртдош, эшигингда чалар
кўнгирик,
Қара-чи, ним экан?
Эҳ-хе, бало-ну!
Тонгда салом бериб чақирган
кўнук

Ерга ташланганда биринчи уруғ,
Орау қилган эдинг меваси асл,
Ҳосили бўлсин деб безавол, улуг,
Кўз — бобгон қопангда кўлиб
турнибди,
Қўлда наравоннинг заррин жилвоми,
Кўшар рангларига тўлиб турнибди,
Унинг ўз элига сажий сийлови,
Оддий бобгон демти,
бу таъриф келтири,

ТОҚ ЗАНГИ

Мана тоқ ҳам қолди муқайиб,
Юзларда бехисоб ажин...
Бобгон буса бир кун койиб,
Несди, қишга тахладм саринн.
Қиш ўчоғи... олов чарсиллар
Чоқ ҳам ўйчан соқолин силар,
Тоқ ўчоқда ял-лў чўғ бўлди,
Чолнинг кўнгли бардам, чўғ
бўлди.

ОЛМА

Тонг... Саломга чиққан келиндай
Олма шохи турар таъзимда,
Дилдорига маҳтар кўнгилда
Шаҳк уйғотур сирли назмга...
Олма шохи ҳосилдан парзон,
Ҳар навадси эгин-мамалян,
Ер неладир куйлаб ҳар замон,
Еришмоқда атроф-тебаран.



РАҶС КЎРИГИ

Санъат халқиники. Уни халқ
яратди, ундан эса катта маънавий
заъқ олади. Санъат сеҳридан
бахраманд бўлмаган, уни бор
қўли билан ҳис этмаган киши бўлмаса
керас. Ҳа, халқ санъати шундай улғу
муъжизавий кучга эга.



КИМЁГАР

Қочон вақтингиз бўлганда,
Ўзбекистон ССР халқлари тарихи
музейига албатта бир кириб,
Тарихимиз кўзгуси,
бугунги ҳаётимиз ойинаси бўлган
бу музейда кўп ақойиб ва муътабар
нарсаларни кўрасиз.
Ушанга музейдан Омон огага
алоҳида кўргазма бурчани ажратиб
қўйдик. Қарамоғнинг каттакор
портрети ёнида унга тегишли турли
ҳужжат ва маддатлар бор. Унинг
ҳаёти ва фаолиятига доир қўйилган
турли ёзувлар билан жуда қизиқиб
қолдик. Қасбим журналист эмасми,
ён дафтарини олиб, сендада кўрган
ва ўқиганларимиз ёза бошладик:
1943 йилда комсомол-ёшлар
сменасининг бошлиғи Омон Илёсов
ҳукуматимизнинг олий мукофоти —
Ленин ордени билан мукофотланган.
1947 йил, 3 июнь, СССР Кимё
санъати министрлиги уни «Социалистик
муСОбақа аълочилиси» элчоғи билан
гадир қилган. 1961 йил, Чирчиқ
шаҳар Совети депутатлигига сайланган.
1962 йил, 15 ноябрь, Ўзбекистон
ССР Олий Советининг Фахрий аълочилиги
билан мукофотланган. 1966 йил, 29
май, Чирчиқ электр кимё комбинатининг
кимёгаги Омон Илёсовга Социалистик
Меҳнат Қарамоғи унвони берилди.
1968 йил, 1 июнь, Кимёга Омон Илёсов
номига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг
президенти, академик Обид Солиқовдан
кечган таърих телеграммасининг
асли нускаси ойнаванд шафқ ашди
турюбди.
Оқдид бобгон Илёсов бува-нинг
ўғлига шунчалки ҳурмату эъзат-икром!
Бунинг сабаби нимда? Ана шу савол
кўп бўйи ҳаётимиз банд этди. Ниҳоят
бу саволга жавоб топиш ниятида
Омон ога билан учрашганимиз Чирчиққа
жўнадим...

КИМЁГАР

дан, ота касбини эгаллаш йўлидан
бормоқда. Дарвоқе, уларнинг отаси
шу касбада элга танилди, обрў топти,
катта мартаба эгаси бўлди. Шу касб
туфайли уларнинг оиласи ҳақиқатда
кўнук бўлди. Хужжатли кинofilmълар
яратилди.
... Ҳол-аҳвол сўрашиб олинчандан
сўнг биз Омон ога билан икковимиз
гулдор қилиб асалдан кичик дарвозадан
ўтиб, чойхонага кирдик. Гиламлар
тўшалган ёғоч сўрилардан чет-
қораллигига бориб ўтирдик.
— Энди мен ҳамкида эмас, корхона,
селитра, карбамид тўғрисида гап-лашсан.
— Майли ога, иккаласиниям эшиттаверамиз.
— Сиз ешларга яқин ўтмишимиз ҳам
афсонадай туюлиши мумкин, Эски мактабга
яқин мактабларга қатнадик. Кейин
рабфандан ўқидим. Қирқинчи йилда
САГУнинг химия факультетини тамомлаб,
Чирчиққа келганман. Э, уша биз келган
йилларда бу ерлар номинга шаҳар эди.
Бу чойхона, анови ошхона, ҳов анови
дангиллама институт биноси турган
жойлар ажриқор, захкаш ерлар эди.
Бу дарахтлару гулзорлар қаёда дейсан.
Омон ога шибеладаги яхнадав бир
хўпладада, жимиб қолди. Унинг кўпини
кўрган қийиқ кўзлари ўйчан эди.
— Ҳаммадан ҳам дастлабки
кеккин юришимиз жуда қизиқ бўлган.
Тайёр кеккин юришга яқин десан
ҳом аш иў. Ҳом аш иўлаб чиқариладиган
кекклар яна кам деганда таътирт
ойдан кейин ишга тушди. Худди қозон,
ўчоғ, ўтин тайёру палов масаллиғидан
ҳалли дарак йўл деган ҳақини ўзи.
Лекин, биз масалиғ тайёрлайдиган
кекклар ишга тушгунча «ош»ни қандай
пишириш технологиясини ўрганишимиз-
узлаштиришимиз керак. Устига-устак
мухтассслар кам, тажрибё йўқ!
Ушанда мен ҳам амалиётдан унча
хабарим йўқ, университетчи энда
битирган ёш инжениер эдим. Бирдан
смена бошлиғи этиб тайинлашди. Эсимда,
икки вагон селитрани сувда ёриштириб,
аммиак ўрнида иплатганмиз ўшанда...

аравада селитра олиб ўтказиларинг
ростми? — дедим.
— Рост бўлганда қандай?
— Ҳозир у воқеани сизларга айтсан
галати туюлади. Ҳозир замон шунда
оз вақт ичида афсонани ҳақиқатга,
ҳақиқатни афсонанига айлантириб
қўйоради. Ахир ўша йилларда 70-йилда
ойта инсон эзи тушишани ким ҳам
хелга келтирган ахир...
Ушанда, аппаратчиларда бири «Эртага
Тошкентда бир арава селитрани
намоишда олиб ўтмайми?» деб қолди.
Мен «Кун келди, етказма олмайми»,
йигитлар — дедим.
Лекин улар гапда туриб олишди.
— Бунақа кун ҳаётда бир марта
бўлади. Туни билан юрб бўлса ҳам
етказиб борамиз.
Бу гапдан кейин ўзим ҳам қизиқиб
қолдик.
— Ингитлар, мен от-арава топганим
булсин! — деб дикторик ҳузурига
чопдим. У вақтларда бунақа қатор-қатор
машина-ю, нафрдек тенис асфальт
йўллар қаёда дейсан. Директоримиз
Степан Васильевич Садоевский ҳам
шинаванда одам эди...
— Қирқинчи йилни унутиб бўладим.
Гапирсам гап кўп, ука... Цехда комсомол-ёшлар
сменасининг бошлиғи эдим. Зап
давралар бўлганда. Кечани-кеча,
кундунчи-кунда ушундай демай,
тишим билмасида ишчиларимиз.
Ушанда биричи қаватда химия
санъати корхоналари ўртасидаги
комсомол-ёшлар сменалари мусобақасида
биричи ўринни эгаллагандик.
Комбинатимиз коллектив эса уруш
йилларида Давлат Мудофаа Комитетининг
Кўчма Қизил байроғини 14 марта
олди. Охири урушнинг сўнгги
кунларида бу байроқ корхонамизда
абодий сақлаш учун қолдирилган...
1943 йилда Ўзбекистонда биричи
бизнинг комбинатимиз Меҳнат Қизил
Байроқ ордени билан мукофотланди.
Корхонамиз байроғига ҳукумат
мукофоти Усмонов Юсупов ўзлари
тақиб қўйганлар...
— Ушанда сиз ҳам ордени олган
экансиз.
— Ҳа, уч киши Ленин ордени олган
эдик.
Омон ога чойнақдаги охириги
чоғи чиелага қўйиб, хўплади-да:
— Энди, мен турай, қолган гапни
ертага цехда гап-лашамиз.
Уйда кутиб ўтирибди. Бир жойга
ҳол сўраб бормоқчи эдик, — деб ўрнидан
турди...
Бекмирза МАҲМУДОВ.

ДОНОЛАР

Зинҳор хотиржаму-бепарво бўлмаг.
Куч-қувватга тўлган ёшлик кезларингизда
яхшилик қилишга шовиллаверинг.
А. П. ЧЕХОВ.
Одам қанчалик доно ва ҳалол бўлса,
ўзгаларда ана шу фазилатларини
шунча кўп топади.
Б. ПАСКАЛЬ.
Камтарлик — маънавий гўзалликнинг
бошидир.
Қудратли одамлар ҳаммиса содда
бўлади.
Ҳали ҳеч ким камтарона яшадим,
деб афсус-наҳват қилмаган.
Л. ТОЛСТОЙ.
Узининг кадр-қимматини билган одам
содда бўлади.
П. БУАСТ.
Узини сара одам эмас, балки одам
одам деб ҳисоблашдан ҳам катта бахт
кўнук.
М. ПРИШВИН.
Камтар бўлмаган одамни ақлли дейиш
қийин.
А. ПОП.
Мақтовларга бепарво бўлган одамни
камтар дема, танбехларга қулқол
солган одамни камтар деса.
Жан ПОЛЬ.
Дано-ю ёлғончи бўлгандан кўра,
соддаю ҳалол бўл.
СОФОКЛ.
Утакетган тоқсорлик пинҳоний
мағрурликнинг худди ўзгисидир.
М. ШЕНЬЕ.
Хўжакўрсинга соддалик — икки
юзламаликдир.
Ф. ЛАРОШУКО.
Занфлик орқасида келиб чиқадиган
камтарликнинг фазилат деб санамайман.
А. ҚУНАНБОВ.
Тўлган ҳар бир сават — саҳий
ҳазина,
Ҳар пайкал қаршилар мазбон
йўсинда,
Ҳар пайкал бу — умри боқий
ҳазина.
Гар қувш боқмаса, қалблардан
қувш
Тутасиз уфқлар ўпган далага.
Сув тақчил ойналар гўза эгсе бош,
Меҳрингиз қондирар ҳар бир
паллада.
Оқ олтин диврин соҳибқоринсиз,
Юлдузли осмонга кифт тутар
хирмон,
Жаҳонга таралур келса олтин кўз
Юртга бойлик тутган турнадек
ҳарсон,
Эрк толган меҳнатда шавқу береке,
Зафарга эгизан ҳар қутлуғ айём,
Тебдорук ҳар бир он шонини
маърака,
Тонг билан тенг келур дил тўла
илхом,
Омон бўл ҳаммиса, шавқ берган
даврон,
Омон бўлинг доим, қўли гул
деҳсон,
Кўнгилар тўрида бор иззатингиз,
Далалар сарқорчи, соҳибқор
ўртоқ,
Сизнинг заҳматингиз, пок
ҳимматингиз
Дастурхон юзиде топмишдир
ердоқ,
Заҳиджон ОБИДОВ.

СИЗНИ ДЕБ

Шавқлар қанотда юксалиб қўнғил,
Қўшиққа айланар шеърим сизни
деб,
Илқоим парвози кўчади енгил,
Куйламоқ бўлсам гар
меджингани деб,
Энг сара сўзларини кўнғил қатилдан
Куйлаур ҳаммиса сизни ўйласам,
Фикримни тиник нур қулгар
дефъатан
Делелар кўнғини ҳар гап
бўйласам,
Шу она гулроқда қувш, сув, ҳаво
Жам бўлиб айленур нозини
ҳеъмагте,
Сиз уни етказган эршунос зукко,
Дилда шавқ беминнат тамти
меҳнатга,
Ақик азорлардан, биллур
узумдан —

Ассобием ВА САНЪАТ САҲИФАСИ

ШАХМАТ

СМСЛОВ

СОВРИНДОР

Соби жохон чемпиони Василий Смирновнинг қарилар қатори...

САККИЗ ПОГОНА

ЮҚОРИ

Студент шахматчиларнинг XVIII жохон олимпиадасининг узоқ Пуэрто-Рикада ўтказилиши иштирок...

КАТТА УЙИ

ОЛДИДАН

Швециянинг йиринчи шахматлари дани йетиб бериши...

ЖОЙ ТАНЛАШАПТИ

Янгида СССР Шахмат ташкилоти халқаро Федерация президенти Макс Эбелга телеграмма йўллаб...

БАРЧА ЗЎРЛАР

ИШТИРОКИДА

Ростов шаҳрида ўн кун давом этган қизгин курашда натижа...

АЁЛЛАР

ЧЕМПИОНАТИ

СССР Шахмат федерацияси навбатдаги аёллар чемпионати қатнашчиларининг рўйхатини эълон қилди...

М. МУХИДИНОВ, СССР спорт мастери.

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони тинчлик мақсадларида тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳи...

« ВЕРТИКАЛЬ - 11 »

лаштирилган бўлимадан иборат. Қўтариб қилинадиган контейнерда геофизик тадқи...

шириқларига бинан Германия Демократик Республикаси билан Совет Иттифоқидида иш...

ва парашют системаси ёрдамида Ерга қўндирилди. Германия Демократик Республикаси, Польша Халқ Республикаси ва СССР мутахассислари «Вертикаль-11» ракета...



АГРЕССОРНИНГ ҚАЙСАРЛИГИ

Ҳинди-Хитойдаги жоқарон тинч бартараф қилиш тўғрисида Жанубий Вьетнам республикаси Муввақат революцион ҳукуматининг...

КАТТА УЙИ ОЛДИДАН

Швециянинг йиринчи шахматлари дани йетиб бериши...

ЖОЙ ТАНЛАШАПТИ

Янгида СССР Шахмат ташкилоти халқаро Федерация президенти Макс Эбелга телеграмма йўллаб...

БАРЧА ЗЎРЛАР ИШТИРОКИДА

Ростов шаҳрида ўн кун давом этган қизгин курашда натижа...

АЁЛЛАР ЧЕМПИОНАТИ

СССР Шахмат федерацияси навбатдаги аёллар чемпионати қатнашчиларининг рўйхатини эълон қилди...

М. МУХИДИНОВ, СССР спорт мастери.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

СОФИЯ. Кюстендил округининг Бобов Дол районидида Болгариядаги энг йиринчи энергетика комплексларининг бири қурилмақда...

КАТТА УЙИ ОЛДИДАН

Швециянинг йиринчи шахматлари дани йетиб бериши...

ЖОЙ ТАНЛАШАПТИ

Янгида СССР Шахмат ташкилоти халқаро Федерация президенти Макс Эбелга телеграмма йўллаб...

БАРЧА ЗЎРЛАР ИШТИРОКИДА

Ростов шаҳрида ўн кун давом этган қизгин курашда натижа...

АЁЛЛАР ЧЕМПИОНАТИ

СССР Шахмат федерацияси навбатдаги аёллар чемпионати қатнашчиларининг рўйхатини эълон қилди...

М. МУХИДИНОВ, СССР спорт мастери.



23 АВГУСТ НОМИДА

Руминия пойтахтининг қоқ ўртасидан кесиб ўтувчи Булевердун Мунчий (Меҳнат хоббони) кенг магистрал қули бўла...

КАТТА УЙИ ОЛДИДАН

Швециянинг йиринчи шахматлари дани йетиб бериши...

ЖОЙ ТАНЛАШАПТИ

Янгида СССР Шахмат ташкилоти халқаро Федерация президенти Макс Эбелга телеграмма йўллаб...

БАРЧА ЗЎРЛАР ИШТИРОКИДА

Ростов шаҳрида ўн кун давом этган қизгин курашда натижа...

АЁЛЛАР ЧЕМПИОНАТИ

СССР Шахмат федерацияси навбатдаги аёллар чемпионати қатнашчиларининг рўйхатини эълон қилди...

М. МУХИДИНОВ, СССР спорт мастери.

ТЕАТР

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 6.20 — ТОШКЕНТ, Ўзбек тилида: 9.25 — В. И. Ленин номида Бунт...

ИККИНЧИ ПРОГРАММА 10.00 — ТОШКЕНТ, «Юта дуси» (рус тилида), 11.00 — Ғулувчилар учун...

УЧИНЧИ ПРОГРАММА 19.50 — ФРУНЗЕ КУРСАТУВЛАРИ. 10.00 — ТОШКЕНТ, «Юта дуси» (рус тилида), 11.00 — Ғулувчилар учун...

ҚИШКИ БИНОДА Менинг охириги тангом — «СПУТНИК» (куфт соатлари), САНАТ САРОИИ, «ЧАНЛА», «З-ВЕКСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА» (куялдуз ва кечкурун)...

ЭЗГИ БИНОДА Яшасин севги — ТЕЛЬМАЯ номи. Ҳамро — НАВОИЯ номи. Менинг охириги тангом — «ФЕСТИВАЛЬ».

АНГРЕН ШАҲАР 3-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1971—1972 ўқув йилга қуйидаги мутахассислар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ Контроль-Улов асбобларининг сласэр-монтажчилари, электр пайвандчилар, экскаватор машинистлари, пармаша бўйича смена мастерлари (III класс шифери), электр-газ пайвандчилари, турбина агрегатлари сласэр-монтажчилари...

ТОШКЕНТ ТУКИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ кафедралар бўйича вакант ваъзаларга

ФРАНЦИЯДА ЖАЛА ВА ДҮЛ ПАРИЖ. 20. Сўнги вақтларда Францияда ҳаво исб неби, момақалдиричи жала қуйи...

РЕДАКТОР М. ҚОРИЕВ